

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetası | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



№36

2024-yil
11-sentabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqsa boshlagan



2024 йил 6 сентябрь куни пойтахтимиздаги мұхташам масканлардан бирида Ўзбекистон Халқ демократия партиясы құрултой бўлиб ўти. Парламент қуйи палатасига депутатликка кўрсатилган 175 нафар номзод, делегатлар, тарафдорлар, хайрихоҳлар, қўллаб-кувватловчилар, оммавий аҳборот востиалари вакиллари, умуман, мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеликка бефарқ бўлмаган инсонлар бир даврага жам бўлди.



ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР ВА МУНОСИБ НОМЗОДЛАР БИЛАН

ХДП САЙЛОВГА КАТТА КУЧ, ҚАТЬИЙ ИШОНЧ БИЛАН КИРИБ БОРМОҚДА!

САЙЛОВЛАР ВА АЁЛЛАР

Шу йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловининг энг асосий иштирокчилари ҳисобланган сиёсий партиялар яқунланган ҳафтада ўз Сайловолди дастурларини эълон қилдилар. Айни бир пайтда парламент қуйи палатаси депутатлигига ҳар томонлама муносиб деб билган номзодларни илгари суриши.

Айтиш ўринлики, Сайлов кодексига амал қилинган ҳолда бешала партиядан ҳам кўрсатилган номзодларнинг 40 фоиздан ортиғи аёллардан иборат бўлмоқда. Янада эътиборлиси, Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатаси депутатлигига аёл номзодларнинг улуши бошқа партияларга қаранда нисбатан кўпроқ, яъни, 47,4 фоизни ташкил этайдир.

5



ПАРААТЛЕТЛАРИМИЗ
ЯНГИ ТАРИХ ЁЗИШДИ!

СЎЗ – ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИГА!

— Гувоҳи бўлдикки, бугунги йигилишда партиямизнинг сайлов кампаниясида мұваффақиятли иштирок этиши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди, истиқболли режалар, дастурлар ва ғоялар ўртага ташланди. Албатта, масъулиятли сиёсий ҳарәдә муносиб қатнашиш учун партиямиз барча имкониятларни сафарбар этади, чунки салоҳиятни тўла ишга солиш орқали кутилган натижага еришиш мүмкин.

Партияниң Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, бу дастур тўсатдан пайдо бўлиб қолган, айнан шу сайлов кампанияси учун ўйлаб топилган фикрлар мажмуй эмаслигини кўриши мүмкин.

Дастур ва шу асосда сўзланган нутқ Халқ демократик партиясининг йиллар давомида шаклланган, сайқалланган ғоя ва мақсадларини тўла ўзида мужассам этган.

Сайловолди дастуридаги барча йўналишлар, унда белгиланган таклиф ва ташабbuslar мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиласиган асосий вазифалар ҳисобланади.



ОЛТИН-ВАЛЮТА –
ЯНА РЕКОРД
ЯНГИЛАНДИ

6

✓ Орамиздаги одамлар

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

“Нуроний” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатсан маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени сохиби, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гурухи вакили Орзикул Соатовни воҳада билмаган-танимagan киши бўлмаса керак.

Саксон тўрт ёшин қарши олган замондошимиз ўтмишнинг оғир даврларига гувоҳ бўлган. Фарахбахи дамлар ва дориломон кунларга етганига доим шукроналик келтиради. Турмуш фаровонлиги ва дастурхонлар тўкинилигидан мамнун. Ўзгариш, ривожланиш, тараққиёт ва янгиланишларга елкадош бўлиш кераклигини айтади. Ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамкамад одимлаш кекса-ю ёшнинг умр мезонига айланиши кераклигидан гурунг беради.

— Эҳ-хе, не-не рутубатли кунларни кўрмадик, - дейди Орзикул ота. - Қай бир замонлар ўтмади, дейсиз. Уруш йилларининг азоблари, болалиқдаги, ўсмириликдаги қўйинчиликлар, кимматчилик, адоги кўринмас қаҳатчилик... Буларни гапириш тугул бугун эслаш ҳам оғир мен учун.

7 САҲИФАДА

4 САҲИФАДА

САЙЛОВ – 2024

2024 йил 6 сентябрь куни пойтахтимиздаги мұхташам маскәнлардан бирида Ўзбекистон Халқ демократик партияси қурултойи бўлиб ўти. Парламент кўйи палатасига депутатликка кўрсатилган 175 нафар номзод, делегатлар, тарафдорлар, хайриҳоҳлар, кўллаб-куватловчилар, оммавий ахборот виситалари вакиллари, умуман, мамлакат ҳәтидаги мұхим сиёсий воқеиликка бефарқ бўлмаган инсонлар бир даврага жам бўлди. Партияниң бу галги қурултойи мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган янги аралаш сайлов тизимига номзодлар кўрсатиш ва Сайловолди дастурини тасдиқлаш маросими сифатида тарихда қоладиган бўлди. Зоро, Халқ демократик партияси ушбу мұхим сиёсий жараёнга янги шаҳд ва янги ғоялар билан кириб келмоқда. Галабага бўлган ишиётк ҳам, интилиша ва ишонч ҳам юксак.

Қурултойни ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов очиб берди. Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлардаги партияниң мұносиб ва ғафол иштирокини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

ХДП ВАЪДАСИНИ БАЖАРДИ

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2019-2024 йиллардаги фолияти юзасидан тайёрланган хисоботлар атрофлича мұхокама этилди. Партия 82 банддан иборат мақсадларни белгилаб олган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 70 дан ортиги амалга ошган. Энг мұхим, партияниң бош ғояси бўлган кучли ижтимоий демократик давлатни барпо этиш тайомили Конституцияда мұхрланди.

Таъкиданганидек, айнан Халқ демократик партияси ташаббуси ва таклифлари билан миңнам истемол ҳаражатларини эвлон қилиш амалиети йўлга кўйилди. Пенсиялар, нафакалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг мидорлари ундан оз бўлиши мүмкін эмаслиги белгиланди.

Шунингдек, ахолининг кам даромади қатлами учун қурилаётган арзон ўй-жойлар сони кўлпайтириди, ушбу соҳада имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиети такомиллаштириди. Ўй-жой олишина субсидиялаш тизими натижасида худудларда бинигта кўп қаватли ўй барпо этилиб, 250 минг оила бошпанали бўлди.

Партияниң 2019-2024 йилларга мўлжалланган дастури самарали амалга ошаётгани қайд этилди.

ЯНГИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

Қурултойда олдинги сайловда илгари сурʼилган партия Сайловолди дастури ижроси таҳлилидан сўнг Халқ демократик партиясинын бу йилги сайловда иштирико билан боғлиқ энг мұхим масалалар кўриб чиқиди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайлов-

кўрсатилди.

Фуқароларнинг ўй-жойли бўлиш ҳуқуки ва ўй-жой курилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши, ёшларимизнинг олий-

» САЙЛОВ ПАРТИЯ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА, АЛБАТТА, КАТТА МАСЪУЛИЯТДИР. УНДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ, ПАРЛАМЕНТДА КўПРОҚ ЎРИНГА ЭГА БўЛИШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛАРНИНГ УСТУНЛИГИГА ЭРИШИШ УЧУН БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

мұхтожларга ёрдам бериш, камбағалникин қискартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбанини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганимиз. Давлат ахоли мағнафатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деб ҳисоблаймиз,

– деди партия етакчиси.

Ана шу мақсадларга эришиш учун партия кейин беш йиллик учун 10 та йўналиш, 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифаларни режалаштирган.

ЭСКИРМАЙДИГАН СИЁСАТ

Халқ демократик партияси фикрича, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш – бу ижтимоий барқарорлик таянчидир.

“Биз ҳар ёдам шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ҳаракат қиласиз. Бунинг учун ижтимоий таъминот ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги конун хужжатларини янги нормалар билан тўлдириши оркали Ижтимоий кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилишига эришишимиз”, дейлади матрузада. Бундан имтиёзга эга шахслардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб колган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини қонунчиликда аниқ белгилаш тақлиф этилмоқда. Ахолининг заиф катламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича ижтимоий хизматлар шартномасини тузиш тартиби ишлаб чиқиш партия учун принципиал аҳамиятга эга.

Шунингдек, ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳәтиёт эхтиёжларига етадиган энг кам истемол ҳаражатларини конун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истемол ҳаражатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Конунни қабул қилиш тақлифи илгари сурилган.

Сайловолди дастурида, шунингдек, “Коммунал хизматлар ва тарифларни тартибида солиш тўғрисида”ги Конунни қабул қилиш, кўп квартирали ўй-жой фондини бошқараш ва унга хизмат кўрсатиш усуllibarini қайта қўриб чиқиш, бундай турдаги уйларнинг жойлашуви, мухандислик-коммуникацияларининг шахарсозлиги талабларига мувафиқлигини, ахоли яшаш пунктларининг хавфисизлиги ва экология барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Партия шахарлар ва ахоли пунктларининг тархиҳи қиё-



ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР ВА

ХДП сайловга катта куч,

Бунинг учун партия ахолимиз дуч ке- лётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тақлифларни бирлаштирган, сайловчиларни ишонтира оладиган янги мумкаммал дастур устида иш олиб борди.

150 ГА ЯҚИН ТАКЛИФ- ТАШАББУСЛАР

Яна айтилдики, партияниң Сайловолди дастурида давлат ва жамият ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар төнглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишига қаратилган 150 га яқин таклиф ва ташабbuslar илгари сурilmokda.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз дастурий мақсадларини ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия ғояларига асосланган холда ишлаб чиқди.

– Сайлов кампаниясининг энг қизғин даврига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тайомиллари асосида мұносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириши,

волди дастуридан ўрин олган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эхтиёжлари, қонуний ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш, ўзгалар парваришига мұхтоҳ бўлган 18 ёшга болаларнинг касалликлари рўйхатини кенгайтириш, шу оркали доимий қаровга мұхтоҳ болаларни парваришилаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий кўллаб-куватлашни янада кенгайтириш белгиланган. Давлат пенсия таъминоти тизими мунтазам такомиллаштири борилиши керак.

Пенсия ва ижтимоий нафақалар инсон хаётӣ эхтиёжларини қаноатлантиришига етарлар бўлиши зарур, деб ҳисобланади. Шу мақсадда бир қатор мұхим тақлифлар назарда тутилган.

ҮЙ-ЖОЙ СОҲАСИДА ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАШ ЛОЗИМ

Ўйли-жойли бўлиш ҳар бир инсон учун ҳайдаги энг мұхим, энг эзги мақсадлардан бири. Ўй борниг ўйи бўймайди, деб бежизга айтишмаган аслида. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ахоли энг зич яшайдиган мамлакати ҳисобланади. Табийи, тез ўсувчи демография давлат оддига одамларни ўй-жой билан таъминлаш масаласини қўяди. Тан олиш зарур, бу борада кейинги йилларда ахолини арzon ўй-жой билан таъминлаш борасида кенг кўллами испоҳотлар амалга ошириди. Аммо курилишлар кўлами халқ эхтиёжини қондира оляпти, дейишига хали бироз эрта.

Халқ демократик партияси ахолини арzon ўй-жой ва сифатли коммунал хизматлари билан таъминлаш тарафдори. Партия фикрича, ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар етарлар мисада ва уларни каррасига кенгайтиришина кўллаб-куватлашади.

Ҳозир кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган бир мұммо бор. Яни, хали қурилиши бошланмаган ёки тутгалилмаган ўй-жойлар учун қурилиш корхонаси билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш, хали бир дона фиши ҳам кўйилмаган ўй учун одиндан пул тўлаш ҳолатлари учрайди. Бундай таваккалчилик эса баъзан одамларнинг сарсонгарчилигига олиб келяпти. Ўша шартномани тузган қурилиш корхонаси негадир бирдан банкрот бўлиб қолиши ёки буюртма-чи пулларини талон-тороҳ қилиши каби холатларни инкор этолмаймиз. Шуларни иногатга олган холда турар жойларни қуришда жалб қилинган ахоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш мақсадида эскроу тўлов тизимини жорий этиши назарда тутивчи “Улуш кириши асосида ўй-жой қуришида иштирок этиш тўғрисида”ги Конунни қабул қилиш тақлифи илгари сурилган.

Сайловолди дастурида, шунингдек, “Коммунал хизматлар ва тарифларни тартибида солиш тўғрисида”ги Конунни қабул қилиш, кўп квартирали ўй-жой фондини бошқараш ва унга хизмат кўрсатиш усуllibarini қайта қўриб чиқиш, бундай турдаги уйларнинг жойлашуви, мухандислик-коммуникацияларининг шахарсозлиги талабларига мувофиқлигини, ахоли яшаш пунктларининг хавфисизлиги ва экология барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Партия шахарлар ва ахоли пунктларининг тархиҳи қиё-

гоҳларга танлов асосида давлат гранти ҳисобидан ўқиш каби ҳуқуқлари қатъий белgilandi.

Халқ демократик партияси янгиланган Конституцияда ўзининг дастурий мақсадлари бўйича тақлифлари акс этгани билан ҳакли равишда фахрланади. Лекин хали олдинда мұхим вазифалар, ечимини кутаётган масалалар бор.

Ижтимоий тенглик ва бирдамлик, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва эхтиёжмандарини қилиш соҳасидаги конун хужжатларини янги нормалар билан тўлдириши оркали Ижтимоий кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилишига эришишимиз”, дейлади матрузада. Бундан имтиёзга эга шахслардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб колган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини қонунчиликда аниқ белгилаш тақлиф этилмоқда. Ахолининг заиф катламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича ижтимоий хизматлар шартномасини тузиш тартиби ишлаб чиқиш партия учун принципиал аҳамиятга эга.

Шунингдек, ҳар бир инсоннинг бирлам-

чи ҳаётӣ эхтиёжларига етадиган энг кам истемол ҳаражатларини конун даражасида белгилаш максадида “Энг кам истемол ҳаражатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Конунни қабул қилиш тақлифи илгари сурилган.

Сайловолди дастурида, шунингдек, “Ком-

мунал хизматлар ва тарифларни тартибида солиш тўғрисида”ги Конунни қабул қилиш, кўп квартирали ўй-жой фондини бошқараш ва унга хизмат кўрсатиш усуllibarini қайta қўriб chiqish, bundai turdagi uylarning jihatlasuvu, muhandislik-kommunikatsiyalarining shaxarsozligi talablariga muvofiqligini, axoli yashash punktlarining hafifasizligi va ekologiya barqarorligini taъminlaش kўzda тутилган.

Партия шахарлар ва ахолi пунктларining tarihiҳi қiё-

fasini saqlashi, tabiiy resurslarini muhofazalash kiliш bўyicha ўsъay-xarakatlarini kuchaytiради.

» ҚАЙД ЭТИЛДИКИ, ДАСТУРДА ДАВЛAT ВА ЖАМИЯТНИ

РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

ЮРИТИШГА ҚАРАТИЛГАН 10 ТА ЙЎНАЛИШ, 15 ҚАДАМНИ

ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН 100 ГА ЯҚИН ТАКЛИФ ВА

ТАШАББУСЛАР ИЛГARI СУРИЛМОҚДА.



НУҚТАИ НАЗАР



**ШУ ЙИЛНИНГ 27 ОКТЯБРЬ КУНИ БҮЛИБ ЎТАДИГАН
ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИННИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ
ҲИСОБЛАНГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЯКУНЛАНГАН
ҲАФТАДА ЎЗ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРЛАРИНИ ЭЪЛОН
ҚИЛДИЛАР. АЙНИ БИР ПАЙТДА ПАРЛАМЕНТ ҚҮЙИ
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ
ДЕБ БИЛГАН НОМЗОДЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШДИ.**

САЙЛОВЛАР ВА АЁЛЛАР

Айтиш ўринлики, Сайлов кодексига амал қилинган ҳолда бешала партиядан ҳам кўрсатилган номзодларнинг 40 фоиздан ортиги аёллардан иборат бўлмоқда. Янада эътиборлиси, Ҳалқ демократик партиясидан Кончунчилик палатаси депутататлигига аёл номзодларнинг улуши бошқа партияларга караганда нисбатан кўпроқ, яъни, 47,4 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда гендер тенглик сиёсати, опа-сингилларимизнинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш соҳасида олиб борилаётган дадил ислоҳотларга йўғун бу кўрсаткич алоҳида эътироф лойиқ. Бироқ ҳамиятимизда аёлларга нисбатан шаклланган шундай стереотиплар ҳамон мавжудки, бу хотин-қизларнинг конун билан мустахкамлаб қўйилган сайлониш ҳуқуқига бевосита ёки билисвоти даҳх қиласмасмикан, деган иштирохни ҳам уйғотади. Бинобарин, "Аёлнинг ўрни – оиласда. Унинг вазифаси – фарзанд тарбиялаш", деган қарашда АЁЛ аталимиш хилқатнинг оналик, бекалик миссияларини бажариши баробарида лидерлик қобилиятини, сиёсий иродаси ва шижоатини намоён эта олишига, қатъия ва фаоллигига шубҳа билан бўқадиган инсонлар ён-атрофимизда йўқ, деб айтольмаймиз. Бу эса қатор саволларни келтириб чиқарди.

Хўш, ҳамиятимизда аёл депутатларга ишонч қай даражада? Ҳалқ вакили ҳолиши – бу жуда катта масъулият, тинмисиз меҳнат, фидойилик, элу юрт учун ёниб яшаш дегани. Опа-сингилларимиз бу базифани қандай үддалашмақда? Улар депутатлик фаолиятида бирор тўсикка дуч келишишадими? Умуман, конун ҷиҳазувчи бўғинда аёллар улушкини оширишга қанақа зарурат бор? Дунё тажрибасида бу масалада умумманзара қандай?

Қўйида шулар ҳақида фикрлашамиз.

ЎЗБЕКИСТОН - БЕШ МАМЛАКАТ ҚАТОРИДА

Мамлакатимизда хотин-қизлар сони жорий йил 1 январь ҳолатига 18 млн 274 минг 800 нафарни, яъни, аҳолининг 49,7 фоизини ташкил қилган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йилда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларни ҳам томонлама кўллаб-куватлашга қартилган 80 га яқин норматив-ҳуқуқий хужжат кабул қилинди. 2019 йилги сайловода парламентнинг кўйи палатасига 48 нафар аёл депутат сайдани, депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизини ташкил этди. Дарвоже, Ўзбекистон миллий парламенти хотин-қизлар сони бўйича "Сиёсатдаги аёллар" рейтингидаги 190 давлат ичидаги 52-йрина бормоқда.

Жаҳон банки индексида эса Ўзбекистон гендер тенглиги соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторида қайд этилди. Гендер сиёсат сабаб сўнгига етий йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуси 27 фоиздан 35 фоизга кўтарилиди. Тадбиркор аёллар сафи каррасига кўпайиб, ўз бизнесини йўлга кўйиган опа-сингилларимиз 205 мингдан ошиди. Юз минглаб аёллар касб-хунар ва тадбиркорлика ўқитилимда.

Соғлиқни саклаш ва таълим соҳасида банд бўлган аҳоли ўртасида хотин-қизлар улуси 77 фоизни, иктисолидиёт ва саноат соҳасида 46 фоизни ташкил этмоқда. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган қизлар сони 6 баробарга кўпайган.

Буларнинг бари нимадан далолат? Табиийи, хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иктисолидиёт фуқароларини ошириш, оналик ва болаликни химоя қилиш, гендер тенглигина эришиш, аёлларнинг факат оиласда эмас, балки ҳамиятда ҳам мавқеени юқсалтириш, барча жабхада ўз салоҳияти ва лаъётини намоён этишига имконият яратиш йўлидаги тизимли ишлар натижасидир.

Аёлларнинг парламентга келиши эса ҳамма давлатда ва ҳамма даврда, таъbir жоиз бўлса, ижтимоий-сиёсий феномен сифатида жуда катта

мамлакатда Президент ва парламент сайловлари ўтказилиши, сайёрамиз бўйлаб 2 миллиарддан ортиқ одам овоз берисда иштирок этиши кўзда тутилган. БМТ Аёллар ташкилотининг янги ҳисбботида келтирилишича, ҳозир жаҳондаги 26 давлатни аёл раҳбар бошқармоқда. 140 дан ортиқ мамлакатдаги вазирлик лавозимларининг 23 фоизини аёллар эгаллаган. Янгиланаётган дунёда аёллар вакиллиги секин-аста бўлса ҳам ортиб бораётгани ижобий тенденция, албатта. Шу билан бирга "Аёллар сиёсий етакчилари-2024" ҳисбботида эслатиб ўтилганидек, кўплаб давлатларда хотин-қизлар хали ҳам маъмурият ва дипломатидан четда қолмоқда. "Биз аёллар асосий рулда бўлса, дунё янада яхшироқ бўлишига ишонамиз. Бу йил кўплаб давлат фуқаролари сайловида қатнашаётган экан, биз аёлларни хокимиятнинг энг чўққисига кўйишимиз керак. Аёлларнинг бошқарув ва етакчиликдаги тенг иштирохи барча учун ҳаётни яхшилашнинг калитидир", дейди "БМТ-аёллар" тузилмаси ижорчи директори Сима Бахус хоним.

Бугунги кунда дунё давлатларининг катта қисмida аёлларнинг сайлови ва сайлониш ҳуқуки амал қилиди. Тарихга назар ташласак, Европада биринчи бор бундай ҳуқуққа 1906 йилда Финляндия аёллари эга бўлган. Сайлов тизимида гендер адолатининг ғалаба қозониши Иккинчи ҳаҷон урушидан кейин рўй берди.

Парламентлараро иттифоқнинг сўнгги ҳисб-китобларига кўра, ҳаҷон парламентларида аёлларнинг улуси 26,9 фоизига ети. Бу ҳисб-китоб 2023 йилига парламент сайловлари натижалари ва 52 мамлакатдаги тайинловларни ўз ичига олган янгиланаётган маълумотларга асосланади. Бутун дунёда янги сайланган депутатларнинг 27,6 нафари аёллардан иборат. Аёл парламентарийлар сони бўйича Руанда (парламентдаги ўринларнинг 61,3 фоизини аёллар эгаллаган), сўнг Куба (55,7 фоиз) ва Никарагуа (53,9 фоиз) даги ҳаракати қолмоқда. Андорра, Мексика ва Бирлашган Араб Амирликларида аёл ва эркак депутатлар сони бир хил.

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция умумзтироф этилган аёллар ҳуқуқларини химоя қилиш ва гендер тенглигига эришиш борасида "жаҳоннинг глобал конституцияси" саналади. Бу конвенция қоида ва шартларининг амалий тасдиғини топиши, гендер тенглик ва гендерга нисбатан сезгир парламентларни яратиш учун ҳам кўплаб давлатларда аёл депутатлар сафи кенгаймоғи ҳаётни зарурат бўлиб қолмоқда.

ФАОЛ, ШИЖОАТЛИ, ФИДОЙИ

Хотин-қизлар жамиятнинг ижтимоий химояга муҳтоҷ қатлами ҳисобланади. Оиладаги илиқ маънавий-руҳий иқлим, болалар тарбияси биринчи галда онага боғлиқ бўлгани каби ҳамият ҳаётининг барча жабхасида умуминсоний қадриятлар устун бўлиши, миллат генофондининг соғломлиги, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги аёллар фаоллигини, инчунун, сиёсий жонбозлигини талаб қилиди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда аёлларга давлат ва ҳамият тақдирига таъкидлаганинг олдини олиш, ижтимоий дафтарлардаги аёлларни ҳар тарафлама қўллаб-куватлаш дастурларининг манзилилиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий Кенгашлардаги аёл депутатларнинг муҳим ўрнини инкор этиб бўлмайди. Буни, айниқса, Ҳалқ демократик партиясининг Сайлововлди дастурдаги хотин-қизларни ижтимоий химоя қилиш билан боғлиқ кенг кўлмалими ва изчил вазифаларни амалиётга йўналтиришда, бу йўналишдаги қонунчилик ташабbusларида аёл депутатларнинг фаол иштирохи мисолиди яққол кўриш мумкин.



Мунира ИСОМОВА,

**ЎзХДП Фарғона вилоят
Кенгаши ёшлар ва хотин-
қизлар билан ишлаш бўлум
бошлиғи:**

билин үддалаяти, деб бемалол айта оламан. Ўтган беш йил давомида улар ҳалқ вакили сифатида жойларда одамларни ўйлантираётган ва ташвишига солаётган ижтимоий-иктисолидиёт муммомларни ўрганиш, ечин топиш, депутатлик назоратини кучайтириш орқали электорат ишончини оқлашга ҳаракат қилидилар. Шуниси аниқки, бу уларнинг њеч бири учун осон кечмади.

Янги сайловлар арафасида турбимиз. Партиялардан, жумладан, ХДПдан ҳам депутатликка кўрсатилган номзодлар орасида хотин-қизлар улуси аввалигни сайловлардан сезиларни ошган. Уларнинг қанчаликни электорат томонидан депутатликка лойик кўрилади, бу энди элак сувдан кўтарилигач, сайлов кунни аниқ бўлади.

Тан олиш керак, хотин-қизлар хуқуқ ва манфаатларни кафолатлаш соҳасида эришилаётган шунча ютуқларга қарамай, ҳалим мөхнат бозорига кириш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги тасаввурлар ва уларни нисбатан зўравонлик ҳолатларида гендер тенгсизлик тўла барча масъулиятни аёлларнинг ижтимоий масалаларнинг инсонпарвар, аниқ ечимларни топиш учун жон куйидидарилар.

Ҳозирда вилоятимизда маҳаллий Кенгашлардаги аёл депутатлар сони 26 нафар (19 фоиз)ни ташкил қилиди. Миллий менталитетимизга кўра, оилада рўзгордаги саронжомлидан тортиб болалар парваришигача бўлган барча масъулиятни аёлларнинг ижтимоий масалаларнинг инсонпарвар, аниқ ечимларни топиш учун жон куйидидарилар.

Ҳозирда, унинг зиммасидаги масъулият ва вазифалар бир неча баробар ошади. Бугун партиямининг аёл депутатлари бу вазифаларни шараф даромадига ишлайди. Аёл депутатлик алоҳидаги ишларни аниқ бўлади. Аёл депутатлик алоҳидаги ишларни аниқ бўлади. Аёл депутатлик алоҳидаги ишларни аниқ бўлади.

Шубҳасиз, унинг зиммасидаги масъулият ва вазифалар бир неча баробар ошади. Бугун партиямининг аёл депутатлари бу вазифаларни шараф даромадига ишлайди.

Робия КАЗИМОВА,

**ЎзХДП Бухоро шаҳар
Кенгаши раиси, ҳали
депутатлари Бухоро шаҳар
Кенгаши депутати:**

кати билан мазкур оиласа 2 миллион 500 минг сўм пул саҳоват қилинади. Фуқаро эса пулни олади-ю, яна маҳалла ҳам алоҳидаги ёрдам бериши керак, деб МФЙ раисини тинч кўймайди. Мақсади хосил бўлмай, рад жавобини олган фуқаро бу борада бошқа ташкилотларга шикоят қилиди.

Хуллас, у ёғи "ёэди-ёэди" бошланади.

Яна бир фуқародан келган муроҷаатни жамоатчилик асосида ўрганилди. Муроҷаатда эзилишича, оила маддий жиҳатдан жуда қўйналган, уйлари таъмирларига боис амал қўйиб ёрдадан сўрайланади.

- Эрим њеч қаерда ишламайди, чунки ўқимаган, - дейди уй бекаси. - Мен уйда болаларга қарайман. Ишлашга имконим йўқ. Маддий томондан жуда қўйнали қолганимиз. Уйимизда таъмирларига керак.

Хонадонга разм соламиз, учнаплик ҳам таъмирлаб эмас, нари борса ўйнинг ёркаги кўл кучи билан бир кунда қилинадиган иш, аммо, назаримизда, оила бошиғида бунинг учун хафсала йўқ. 35 ёшлардаги таъмирларига маддий ёрдадан сўрайланади.

Аччик бўлсаям, ҳақиқат шуки, иш йўқлигини никоб қилиб, уйдан чиқмай, ахли аёлни маддий ёрдадан турли турли идораларга юборишдан тап тортмаётган эркакларимиз бор.

Шароити оғир бўлмаса ҳам, "Нега менини" Темир дафтар"га киритмайдинглар?" деб жанжал қилидиган аёлларимиздек сони ҳам, афсуски, оз эмас.

Бу тоғифадаги опа-сингилларимиз билан ишлаш, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий мухитини яқиндан ўрганиш ва яхшилаш, жамиятнинг башбугини – оила институтини мустаҳкамлаш учун ҳам ҳалик вакиллари орасида аёлларнинг саъи-харо-

тиларидан ўзишни муроҷаат килинади.

Демак, ҳалқимизнинг турмуш фарволонларини юксалтириш, иктисолид-ижтимоий ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, турли соҳаларда оддий одамлар душуришадиган ишларни бартарап этиш, барча жабхада "Инсон қадри – устун" тамоилини карор топтиришдек эзгулик йўлида муносиб хисса қўшадиган бағрикент, меҳнаткаш, зуқум, фахм-фаросатли, оқила, меҳрибон опа-сингилларимиз сафи янада кенгайши мукаррар.

ХУЛОСА ЎРНИДА



2024 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг давлат қарзи биринчи ярим йилликда 2,1 миллиард долларга кўпайиб, 37 миллиард доллардан ошди. Ташки қарз давлат ва хусусий қарзлардан иборат. Бу ҳадда Боз вазир ўринбосари, иктисадиёт ва молия вазари Жамшид Кўчқоров 5 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида нутқида маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ ҚАРЗИ 37 МЛРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ. ТАФСИЛОТЛАР

Таъкидлаш жоизки, бу даврда давлат ташки қарзи 1,26 миллиард долларга кўпайиб, 30,9 миллиард долларни (27,7 фоиз) ташкил этган. Шу билан бирга, давлатнинг ички қарзи 842 миллион долларга ошиб, 6,13 миллиард долларни ташкил қиласан (ялпи ички маҳсулотнинг 5,5 фоизи). Давлат ташки қарзининг улуши эса 83 фоиз, ички қарзи 17 фоиз бўлган.

Маълумотларга кўра, «хусусий» секторда асосан давлат улушга эга бўлган компаниялар ва банклар ифодаланади (давлат банк секторининг 68 фоизга яқин улушига эга, шунингдек, 2019-2021 йилларда жами 2 миллиард долларлик қарздорлик қоғозларини муюмалага чиқарган UzAuto Motors ва «Ўзбекнефтгаз», Ўзмиллийбанк, «Ўзсаноаткурилишбанк»нинг эгаси ёки эгаларидан бири ҳисобланади).

Боз вазир ўринбосарининг маълумотига кўра, январь-июнь ойларида Ўзбекистон номидан ва ҳукумат кафолати остида 2,8 миллиард долларлик ташки қарзлар бўйича келишувлар имзоланган. Бундан ташки, давлат бюджетини Кўйлаб-кувватлаш ва жорий йилда тўланиши лозим бўлган ҳалқаро облигацияларни қайта мoliaялаштириш мақсадида жаҳон молия бозорларига 1,5 миллиард долларлик суврен ҳалқаро облигациялар чиқарилган.

- Давлат қарзининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати 34,4 фоиздан 33,2 фоизгacha камайган, - дейди Иктисадиёт ва молия вазiri Ж.Кўчқоров. - Яна шуни айтиш мумкинки, Ҳалқаро валюта жамғармаси ҳисоботига кўра, айни пайтда республиканинг давлат қарзи ўртача даражада.

Такъослаш учун: 2017 йилда давлат қарзи 11,5 млрд долларни

(ялпи ички маҳсулотга нисбатан 11,6 фоиз) ташкил этган бўлса, олти йил ичida бу кўрсаткич уч барабарга ошган. Маълумот учун, гап «хусусий» қарзни ҳисобга олмаган ҳолда фақат давлат қарзи ҳақида кетмоқда.

Кредиторлар томонидан давлат ташки қарзи:

- Жаҳон банки — 6,73 млрд доллар (6,57 млрд);

- Осиё тараққиёт банки — 6,46 млрд доллар (6,44 млрд);

- Ҳалқаро инвесторлар (ҳалқаро евробондлар) — 4,2 млрд доллар (3,4 млрд);

- Хитой давлат тараққиёт банки, Хитойнинг Эксимбанки ва бошқалар — 3,76 млрд доллар (3,77 млрд);

- Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги ва бошқалар — 2,47 млрд доллар (2,36 млрд);

- Осиё инфратузимла инвестиция банки (штаб-квартираси Хитойда) — 1,35 млрд доллар (1,32 млрд);

- Ислом тараққиёт банки — 921 млн доллар (911 млн);

- Корея Эксимбанки, Корея Иктисадий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси — 735 млн доллар (794 млн);

- Ислом тараққиёт банки — 921 млн доллар (911 млн);

- Франция тараққиёт агентлиги — 823 млн доллар (828 млн);

- Ҳалқаро валюта жамғармаси — 735 млн доллар (811 млн);

- Германия давлат банки — 268 млн доллар (114 млн);

- Саудия тараққиёт жамғармаси — 143 млн доллар (140 млн);

- Испания давлат банки — 68 миллион доллар (73 млн);

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки — 226 млн доллар (174 млн);

— Бошқа ҳалқаро молия институтлари — 1,56 млрд доллар (1,53 млрд).

Ташки қарзининг валюта тузилмаси (бу валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган иктисадиёт учун ҳақиқий ҳафз кўрсаткичларидан бири) асосан доллар, ўзбек сўми ва япон иенасидаги кредитлардан иборат. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва улар бўйича фойзларни тўлаш учун 6,83 триллион сўм йўналтирилган.

Эслатиб ўтамиз, Ҳалқаро валюта жамғармаснинг июль ойдаги сўнгги ҳисоботига кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ташки қарзи ЯИМнинг 61,3 фоизини ёки 55,7 миллиард долларни ташкил қиласан.

S&P рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг умумий давлат қарзи ва ташки қарзи микдори аввалиг прогностларидан тезроқ ўсишини кутмоқда, бу энергетика ва инфратузимла лойиҳаларини жадаллашган ҳолда амалга оширилиши билан боғлиқ.

Ҳисоботда, шунингдек, давлат корхоналари ва давлат-хусусий шериклар томонидан давлат кафолатисиз олинган қарз 2023 йилда ЯИМнинг тахминан 8 фоизини ташкил қиласан ва бу қарз ҳукумат балансида аниқланиши мумкинлиги таъкидланади. Сўнгги йиллarda давлат билан боғлиқ корхоналар асосан энергетика ва инфратузимла лойиҳаларини мoliaялаштириш учун хорижий валютада қарз олишларни кескин оширган.

Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, агар айрим лойиҳалар натижасидан кутилганидан ёмонроқ бўлса ёки бошқарув ва назоратда хатолар юз берса, улар бу қарзни қайтаришида муммаларга дуч келиши мумкин.

ОЛТИН-ВАЛЮТА – ЯНА РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

Марказий банк маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг расмий захира активлари 1 сентябрь ҳолатига 39,15 миллиард долларни (+4,7 фоиз) ташкил этиб, август ойи давомида 1,75 миллиард долларга ошган. Бу статистика юритилган бутун давр учун навбатдаги рекорд кўрсаткичидir.

35,48 миллион долларлик АҚШ фазна облигациялари ҳам мавжуд. Аввалрок, Марказий банк олтин-валюта захираларини диверсификация қилишга киришгани ва чет эл давлатларининг қимматли қоғозларини ҳарид қила бошлаганини маълум қиласан.

Захираларнинг ўсишига қарамай, у 12 ойлик импортни



Марказий банк ахборотига кўра, ўзган ойда хорижий валютадаги захиралар 503,1 миллион долларга, яъни, 7,69 миллиард доллардан 8,19 миллиард долларгача ошган (июнь-июль ойларида олтин сотиб олиш ҳисобига 1,58 миллиард долларга камайиш кутилган).

Шунга қарамай, юй бошидан бўён (январь-август) валюта захиралари 1,18 миллиард долларга қискарди, шу жумладан, 2019 йилда мамлакат чиқарган 500 миллион долларлик суврен еврооблигациялар бўйича қарзни тўлаш ҳисобига.

Захиралардаги олтиннинг физик ҳажми июнь-июль ойларидаги ўсишдан сўнг (18,94 тонна) 10 минг троя унцияга (311 кг.) камайиб, 12,04 минг троя унцияни (371,7 тонна) ташкил этган. Шу билан бирга, олтин захирасининг қиймати яна 1,24 миллиард долларга — 29,16 миллиард доллардан 30,4 миллиард долларгача ошди. Бу 2013 йилдан бери статистика юритилган барча вақтлар учун рекорддир. Бунинг сабаби, август ойдаги олтин котировкаси бир унция учун 2446,28 доллардан 2502,77 долларга (+2,3 фоиз) кўтарилиди. Умуман олганда, юй бошидан бўён Марказий банкнинг олтин захиралари қиймати 5,77 миллиард долларга ошган.

Захираларда, шунингдек,

коплашга етади (илгари 20 ой эди).

Маълумот ўринда шуни айтиш лозимки, Марказий банк ўз захираларида амалда давлат бюджетининг бир қисмiga айланган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ҳам кўрсатади. Бу жамғарманинг ҳажми ошкор қилинмайди. S&P Global Ratings ҳалқаро рейтинг агентлиги илгари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини

Марказий банк захираларидан чиқарип ташлаётганини маълум қиласанди. Чунки жамғарма маблағлари асосан пул-кредит ёки тўлов эҳтиёжлари учун эмас, балки фискал мақсадлар учун мўлжалланган.

Ҳисоб-китобларга кўра, олтин нархининг тушиши кутилаётгани ва жорий ҳисоб рақамининг тақчиллиги давом эттаётгани сабаби Ўзбекистоннинг фойдаланиш мумкин бўлган валюта захиралари 2027 йилгача қисқаради. Марказий банкнинг монетар олтин захиралари олтин-валюта захиралари умумий ҳажмининг 80 фоиздан ортигини ташкил этади. Марказий банк Ўзбекистонда қазиб олинаётган олтинни сотиб олишда устувор ҳукуққа эга. У олтинни маҳаллий валютада сотиб олади, кейин эса интервенциясининг ўзбек сўмiga таъсирини қоплаш учун долларни маҳаллий бозорда сотади.

КЎП ҚАВАТЛИ ЎЙЛАР ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИ?

Одатда ҳалқимиз қишиғанини ёзда кўради. Ҳудди шундай, тегишли вазирлик ва ташкилотлар куз-қиши мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, айниқса, электр, иссиқлик, сув таъминотларида узилишларга йўл қўймаслик, шунингдек, аҳоли манзилларини, кўп қаватли ўйларни мавсумга тайёрлаша ишларини тизимли амала оширадилар.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Курилиш ва ўй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани айни шу мавзуга бағишиланди.

Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда республикамизда 42 минг 72 та кўп квартирали ўйлар мавжуд бўлиб, мавсумга тайёрларлик доирасида уларнинг 5 минг 409 тасини таъмирлаш режалаштирилган ва бунинг учун бошқарув сервис ташкилотларининг 149 миллиард сўм маблағлари жалб қилинган.

- Бу ишларни сифати бажариш учун бошқарув сервис ташкилотларининг имконияти етарли, - дейди Курилиш ва ўй-жой



коммунал ҳўжалиги вазирлиги ўринбосари Озода Жўраева. - Чунки уларда 17 мингдан ортик зарур техника ва ускуналар, 12 минга яқин ишчи-ходимлар мавжуд. Шунингдек, ҳозирги вақтга қадар айни ташкилотлар томонидан кўп квартирали ўйларга 692 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилган ва 512 миллиард сўм мажбурий бадаллар ундирилган.

Ушбу маблағлар хисобидан 4 минг 978 та уй таъмирланди. Режалаштирилган ишлардан

ташқари 311 та уйнинг том қисми, 1 минг 328 та кириш ўйлаклари, 390 та ертўла қисмидаги мухандислик-коммуникация тармоқлари, 174 та уйнинг фасад қисми соҳа ҳолатга келтирилди. Жорий йилнинг 1 октябрига қадар яна 41 миллиард сўм ҳажмда таъмирлаш ишлари давом этирилади.

Бундан ташқари, куз-қиши мавсумини бетафофот ўтказиш максадида кўп квартирали ўйларнинг электр тармоғи ҳўжалиги объект-

ларини таъмирлашга алоҳида эътибор қартилди. Ҳудудий ҳокимликлар, «Ҳудудий электр тармоқлари» корхоналари билан ҳамкорликда республикадаги 39 минг 334 та уйнинг 374 мингдан ортик электр ҳўжалик обьектлари хатловдан ўтказилиши, «қизил», «сарик», «яшил» тифораларга ажратилиди ва «қизил» тоифадаги 100 мингдан ортик шитлар мукаммал таъмирланди.

Мавжуд кўп квартириали ўйларнинг 25 минг 694 таси, яъни, 1 миллион 49 мингта хонадон марказлашган ва индивидуал иссиқлик энергияси билан таъминланган. Тегиши дастурлар доирасида замонавий қозонхоналар куриш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда 15 та обьектда 9 та қозонхона ва 55 км иссиқлик тармоқларини куриш ва реконструкция қилиш белgilанган.

Маълумотларга кўра, «Янги Ўзбекистон» масавилярини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида 20 та обьектда 12 та қозонхона ўрнатилиб, 64 км иссиқлик тармоқлари курилади. Ушбу лойиҳалар натижасида 20 мингдан ортик хонадандан иборат 395 та кўп қаватли ўйлар ва 28 та ижтимоий обьектда иссиқлик таъминоти барқарорлашиди.

Кўп квартириали ўйларнинг лифт ускуналарини соҳа ҳолатда сақлаш ҳам доимий эътиборда. Республикадаги 4 минг 427 та кўп квартириали ўйларда 11 минг 428 та лифт ускуналари мавжуд. Лифтларнинг 11 минг 70 таси одам ташишига, 358 таси юк ташишига мўлжалланган.

Матбуот анжуманида 528 та лифт ускуналарини 187 миллиард сўм маблағ эвазига янгилаш режалаштирилган таъкидланди.

Саҳифани “Ўзб

ХАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

"НУРОНИЙ" ЖАМГАРМАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БҮЛИМИ РАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ
ХОДИМИ, "ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ СОҲИБИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ
АЪЗОСИ, ҲАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҚЕНГАШИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ҲДП ГУРУҲИ ВАКИЛИ ОРЗИҚУЛ СОАТОВНИ ВОҲАДА
БИЛМАГАН-ТАНИМАГАН КИШИ БЎЛМАСА КЕРАК.

Саксон тўрт ёшни қарши олган замондомизим ўтмишнинг оғир даврлари гувоҳ бўлган. Фараҳбахш дамлар ва дориломон кунларга етганига доим шукроналик келтиради. Түрмуш фаровонлиги ва дастурхонлар тўкинлигидан мамнун. Ўзгариш, ривожланиш, тараққиёт ва янгиланишларга елқадош бўлиш кераклигини айтади. Ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам одимлаш кекса-ю ёшнинг умр мезонига айланиши кераклигидан гурунг беради.

- Эҳ-хе, не-но рутубатли кунларни кўрмадик, - дейдай Орзиқул ота. - Қай бир замонлар ўтмади, дейсиз. Уруш йилларининг азоблари, болалиқдаги, ўсмириликдаги қийинчиликлар, кимматчилик, адоғи кўринмас қаҳатчилик... Буларни гапириш тугул буғун эслаш ҳам оғир мен учун.

1941 йилининг 22 июнида туғилганман. Оилада кенжা - еттични фарзанд эдим. Отам дехкон, онам ўқитувчи бўлган. Тинч-тотув кунлар келишини ният қилиб, "Орзиқул" деб исм кўйишган.

Уруш тугагандан кейин ҳам одамларнинг түрмуш тарзи ўнгланимаган. Вайроналарни тиклаш, соҳаларни йўлга кўйиш, ишлаб чиқариши ташкил килиш, хуллас, иш кўп эди. Мамлакатни муммомлар гирдобидан олиб чиқиши учун бағрикенг ҳалкимиз меҳр-оқибат, одамийлик, саҳоватпешаликнинг ёрқин намунасини кўрсатганини унтиб бўлмайди.

Мустақиллик ҳақиқий маънода аждодларимиз орзусининг рӯёби бўлди. Ўзлигимизни топдик. Қадр-қимматимиз тикланди. Янгиланишлар даврига етдик. Янги Ўзбекистонга мустаҳкам пойдевор кўйилмоқда. Бирор қуянларга етишининг ўзи бўлмаган.

Эсимда, 19 ёшда эдим. Ангор туманинаги собиқ "Коммунизм" колхозида звено бошлиги этиб тайинлашди. Ҳарбий хизматдан кейин 15 йилга яқин Термиз туманини вилоятдаги катор ташкилотларда фаолият кўрсатдим. 1980-2000 йillardа ички ишлар бошқармасида турли лавозимларда меҳнат қилганман. Шундан бўён маҳалла иши ва кексалар билан ишлаш ҳаётимнинг бир қисмига айланди. "Нуроний" жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлимига раҳбарлик қилаётганини ҳам уч ийдан ошди...

Жанубий воҳада 2 миллион 900 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг қарийб 214 минг нафарини нуронийлар ташкил этади. Юз ёшдан ошган пирни бадавлатлар 72 нафар. Жорий йилнинг тўққиз ойида ижтимоий ҳимояя мухтож 400 нафарга яқин нуронийлар "Сурхон" сихатгоҳида соғлигини тиклади. Олтмиш нафарга яқинни кишига ногиронлик аравачалари берилди. "Қўша қариш саодати", "Юз билан юзлашганлар" ва бошқа ўнгалишларда 100 нафар отаҳон-унахонларимиз моддий рагбат олди.

Мустақиллигимизнинг 33 йиллиги арафасида 50 нафар воҳадошимизнинг I, II даражали "Мехнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлангани ҳам нур устига азло нур бўлди. Бу бизга янада куч-куват ва шижаот баҳш этиши табии.

Инсон умрими оқар дарёга менгзашади. Унда жўшқинлик ҳам, сокинлик ҳам муҗассам. Йиллар силсиласидаги синовларда тобланган мустакам ироди соҳибининг ҳикматли гурунгларидан бениҳоя ҳузурландик. Диляр кувнаб, кўнгиллар яйради.

**Алишер ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон ҲДП Сурхондарё вилояти
Кенгаши раиси, ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон ҲДП гуруҳи аъзоси:**

- Орзиқул aka ажойиб раҳбар, партияни жонкуяри. Жамоатчилик қабули бўладими, депутатлар гурухи фаолияти, доим биз билан елкама-елка. Электоратимиз вакилларини қийнаб қилаётган масалалар ечимида кўмакдош. Учрашув, семинар ва тадбирларда бошқариш.

Фаол депутатимизнинг ташаббуси билан 2023-2024 йилларда Ангор туманинаги "Дўстлик" махалласида ички йўл таъмиранг бўлса, 4 мингдан ортиқ кишининг ичмиллик суви таъминоти яхшиланди. Оқова сув хамда томорқаларга оби ҳаёт етказиб бериш масалалари ҳам депутатлик сўровномалари орқали ҳал қилинди.

Бойсун туманинаги "Пулхоким", "Даштиғоз", "Инкабод", "Қўлқамиш", "Биби-

ширин", "Бошработ", "Шўрсой", "Мустақиллик" маҳаллари ва "Янги Ўзбекистон" массивида 25 мингдан ортиқ юртошларимиз истиқомат қилиди. Тот ҳалқи кўп йиллардан бўён ичимлик сувидан қийналиб келаётганди. Орзиқул аканинг саъъ-ҳаракати билан бу муммо ҳам ижобий ечим топди.

Денов салоҳиятли туманлардан бири хисобланади. Ҳудуда 420 минг нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилмоқда. Сўнгги йилларда шаҳар маркази ва туташ манзиллардаги йўллар кенгайтирилди. Кўп қаватли ўй-жой ва замонавий иншотлар барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, қадим Денов тобора кўркамлик касб этмоқда.

Шу билан бир қаторда айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташалана бошлаганди. Масалан, шаҳар марказидан ўтган асосий кўчада кўпrik қурилиши пайсалга солиб келинган. Депутатимизнинг сўровномасидан кейин лойиҳа-смета ишлари қайта кўриб чиқиди. Айни кунларда бу ерда бунёдкорлик ишлари кизгин давом этмоқда. Бу каби ҳайрли ташаббусларни Узун, Қизирик, Бандиҳон, Музработ, Термиз ва бошқа туманлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда яна бир маълумот. Орзиқул аканинг ташаббуси билан ўтган или Термиз шаҳрида муҳташам Нуронийлар маркази қад ростлади. Лойиҳа қиймати 7 миллиард 100 миллион сўм бўлган уч қаватли замонавий маскан шарқ мемъорлиги услубида бунёд этилгани таҳсинга сазовор. Бу ерда кекса авлод вакиллари учун барча зарур шароит мухайё қилинганини ҳам айтиб ўтиш керак.

**Абдукарим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Касаба ўюшмалари федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси, "Дўстлик" ордени соҳиби, ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон ҲДП гуруҳи аъзоси:**

- Яқинда бир хабарни ўқиб қолдим. Ҳозирги кунда Японияда эллик минг нафардан ортиқ юз ёшдан ошган инсонлар яшар экан. Ўн беш йилдан кейин бу кўрсаткич бир миллионга этиши таҳмин килинмоқда.

Кунчук юрт одамларининг узоқ умр кўриши сирини олим-умутахассислар турлича изоҳлашмоқда. Айримлар истеъмол қилинадиган денгиз маҳсулотларидан деййшган бўлса, бошқалар жисмоний ҳаракатнинг кўплигига йўйишмоқда. Тоза ҳаво, мунтазам мева-сабзавотлар тановул қилиш, соғлом турмуш тарзи, пиёда юриш, хуллас, омиллар жудо кўп...

Аслида баракали ҳаёт кечиришнинг туб моҳияти мулокот маданиятининг юксаклигига экан. Ҳақиқатан, японларнинг хушумомаллиги, ўзгаларга бўлган ҳурмати, юриш-туршири, саранжом-саришталиги, қоидаларга қатъий амал қилиши таҳсинга сазовор.

Орзиқул акада ҳам шундай хислатлар жамланган. У киши билан танишганимизга ярим асрдан ошди. Қадрдомимиз кўпқиррари

инсон. Чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик, асаларичилик ва бошқа ўналишларни яхши тушунади. Ҳукуқий соҳа бўладими, маданияти ва маърифатми, барчасидан боҳбар.

Японларнинг юз йилдан ортиқ яшаши ҳакида бежиз тўхтатганим йўқ. Сафдоши-мизининг барака умр кўришининг сир-синоати ҳам бағрикенглиги ва одамохулигига бўйс, ажабмас...

**Абдурашид ОРТИҚОВ,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқла-
ри бўйича вакили (Омбудсман)нинг
Сурхондарё вилоятидаги миңтақавий
вакили:**

- Қарийб 65 йилдан бўён эл хизматида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Орзиқул aka ҳамон бардам ва бақувват. Ўзига талабчан. Тиришқоқлиги бор. Доим ўз устида ишлайди. Сурхон довругини кўкларга кўтариш шио-рига айланган.

Бир нарсани очиқ айтишим керак: айрим ёшлар иш йўклигидан нолиди. Ҳасрат қилгани-қилган... Ўзингиз ўйланг, ишлайман, касб ўрганаман, хунар эгаллайман, деган одам исиз қолиши мумкини? Изланниш, интилиш ва иштиёки бўлса, албатта, рўзгор обод, турмуш фаровон бўлиши табиий.

Кўз ўнгимизда Ўзбекистон янгиланаяти. Нафқат туман ва шаҳар марказлари, балки, чекка қишлоқ ва огулларда ҳам ўзгаришларни кўриш мумкин. Кўркм уй-жойлар, осмонўлар бинолар, ажойиб иншотлар, мухташам мажмуалардан дил яйрайди. Шундай экан, қандай яшаш, қандай турмуш кечириш, қандай баҳт-соадатга эришиш, албатта, ўзимизга боғлиқ. Биз эса бой ҳаёттй тажрибасиз билан ёшларга ибрат кўрсатишимиш шарт. Давомчиларимизга устоз, ҳамфир, ҳамсuxбат бўлсак, албатта, келажакка мустаҳкам пойдевор кўйилган бўлади.

**Тошмамат АБРАМАТОВ,
ҳалқ депутатлари Термиз шаҳар
Кенгашидаги Ўзбекистон ҲДП гуруҳи аъзоси:**

- Эллик йилдан ортиқ турли соҳаларда меҳнат қилдим. Орзиқул Соатов билан ўтган асрнинг 80-йилларида танишганим. Эзгу ташаббус ва ҳайрли амаллар бизни бирлаштирган.

Ҳали орасида кўп бўламан. Орзиқул aka бирорни роҳида танишганимни танишганини ёки ёғон гапирганини эшитмаганимнан.

Эл ичиди ҳурмат-этибор топган сафдошизимиз шимизи оғилда ҳам ўнрак бўлгулук. Турмуш ўтроби Ирисхон Хуррамова билан олти фарзанд, олтмишдан ортиқ набиралар ардоғида қарилек гаштни сурмокда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Бозор иктисолидети шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар орасида ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жинояларида ўсиш тенденсияси кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотига кўра, 2023 йилда мамлакатимизда энг кўп фирибгарлик жинояти содир этилган. Таассуфлиси, сўнгги пайтларда фирибгарликнинг тури ҳам, бу жиноята кўл ураётган кимсаларнинг соддадил инсонлар ишончини сунисъетмөл қилиш йўллари ҳам ортиб бормоқда.

ЭГРИ ТАЁҚНИНГ СОЯСИ ҲАМ ЭГРИ

Ана шундай фирибгарлик жиноятини содир этиб, суднинг қора курсисига ўтирган судланувчи Т. Закиров ҳалол даромад топишни эмас, балки одамларни чув тушириш эвазига пул ундириш йўлини танлайди. Дастроб У Миробод тумани, Янгизамон кўчаси, 5-йўл, 81-хонадонда истиқомат килювчи фуқаро Е. Байимбетовага ўзини "Сувсоз" ходими деб танишишиб, ушбу маҳаллага биринчирилганни ва иссик сувдан фойдаланганни учун карзи борлигини айтади, қарздорликни ёпиш учун 395.000 сўм пулни кўлга киритади. Ўз навбатида қарздорлик ёпилгани ҳақида соҳта ҳужжатларни тақдим қилишини ҳам унумтайди. Табиий, алор, фириб йўли билан олинган пулларни ўз чўнгтагига тақдим қилишини ҳам унумтайди. Табиий, алор, фириб йўли билан олинган пулларни ўз чўнгтагига тақдим қилишини ҳам унумтайди.

Ю. Ортиқовадан ҳам қарздорликни ёпиш учун 1.375.000 сўм пулни олади. Афсуски, унинг "Сувсоз" ходими эканинга ишонган, эшигини тақиллатиб, "Иссик сувдан қарзингиз бор", деб турган кимсага пешона терисини тутқазиб, қарздорлиги ёпилганидан хотирбон тортган, яъни, алданган инсонлар сони ортиб борди.

Лекин бузоқнинг ютургани – сомонхонагача. Худди шундай, судланувчи Т. Закиров ҳам ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Суд унга жазо тайинлашда айбига икрорлигини ва пушаймонлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганини, жабланувчиларнинг унга нисбатан даъоси йўқлигини инобатга олди. Суд хукми билан Т. Закировга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 8 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Сардорбек СОДИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича
Миробод туман судининг раиси.**

Эълон

Ўзбекистон давлат сан



**Парижда бўлиб ўтган
XVII ёзги Паралимпия
ўйинлари якунига
етди. Унда Ўзбекистон
делегацияси 10 та олтин,
9 та кумуш ва
7 та бронза, жами 26 та
медални қўлга киритди.**

Бу билан паралимпиячилар медаллар жамғариш бўйича ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этиб, 168 та давлат ичida умумжамоа ҳисобида 13-уринни егаллади. Ушбу натижада делегациямизга Осиё мамлакатлари орасида Хитой ва Япониядан кейин учини ўринни тақдим қилди.

Мусобақа якунидаги кизиқ хотал юз берди. Медаллар жадвалида Ўзбекистон билан бир хил — 10 тадан олтин олган Германия кумушлар кўплиги учун, Канада эса бизга нисбатан кўпроқ бронза медаллар олгани ҳисобига биздан юқоридаги погоналарни банд қилишид.

Таъкидлаш лозимки, Париж Паралимпия ўйинларида Ўзбекистондан илк бор 65 нафар параатлет 113 та лицензияни қўлга киритди. Бундан ташқари, делегациямиз биринчи бор 9 та спорт турида иштирок этди. Ҳусниддин Норбеков Ўзбекистон тарихида З карра Паралимпия ўйинлари голиби бўлган илк спортчига айланган бўлса, Шахина Йигиталиева 15 ёшида делегация таркибида Паралимпия ўйинлари совриндори бўлган энг ёш спортчи сифатида тарих яратди.

Медаль олган параатлетларимиз

Олтин

- Асила Мирзаёрова (узунликка сакраш)
- Қудратуллахон Маъруфхўжаев (ядро улоқтириш)
- Элбек Султонов (ядро улоқтириш)
- Асадбек Тоштемиров (таэквондо)
- Ёрқинбек Одилов (найза улоқтириш)
- Бобур Омонов (ядро улоқтириш)
- Шерзод Намозов (дзюдо)
- Хусниддин Норбеков (ядро улоқтириш)
- Толиббой Йўлдашев (диск улоқтириш)
- Нурхон Қурбонова (найза улоқтириш)

Кумуш

- Зиёдахон Исоқова (таэквондо)
- Кубаро Ҳакимова (ядро улоқтириш)
- Гулжаной Наимова (таэквондо)
- Дониёр Салиев (узунликка сакраш)
- Сервер Ибрагимов (ўқ отиш)
- Сафия Бурханова (ядро улоқтириш)
- Кумуш Ҳоджаева (дзюдо)
- Шахина Йигиталиева (найза улоқтириш)
- Рўза Кузиева (пауэрлифтинг)

Бронза

- Темур Гиязов (баландликка сакраш)
- Толиббой Йўлдашев (ядро улоқтириш)
- Нурхон Қурбонова (ядро улоқтириш)
- Моҳигул Ҳамдамова (диск улоқтириш)
- Учқун Қуронбоев (дзюдо)
- Довурхон Кароматов (дзюдо)
- Муслима Одилова (сузиш, баттерфлай)

Навбатдаги Паралимпия ўйинлари 2028 йилда Лос Анжелес шаҳрида бўлиб ўтади. Унда яна янги тарих ёзилишини кутамиз...

Параатлетларимиз янги тарих ёзишди!



MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihiddin MUHIDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Toшtemir XUDOVQULOV
Qalandar ABDURAHMONOV Guliston ANNAQILCHEVA

Bosh muharrir: To'lg'ın TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxononasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yhatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 937. 3266 nuxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —

Topshirilgan vaqt —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.